

**«Инновацион иқтисодиёт» фанининг**  
**2018/2019 ўқув йили учун мўлжалланган**  
**СИЛЛАБУСИ**

Фаннинг қисқача тавсифи			
ОТМнинг номи ва жойлашган манзили:	Гулистон давлат университети	Гулистон шаҳри, IY микрорайон	
Кафедра:	Иқтисодиёт	“Ижтимоий-иқтисодий” факультети	
Таълим соҳаси ва йўналиши:	230000-Иқтисод	230100-Иқтисодиёт	
Фанни (курсни) олиб борадиган ўқитувчи тўғрисида маълумот:	И.ф.н., доцент	e-mail:	obidkul_2011@mail.ru
Дарс вақти ва жойи:	Бош корпус 502-аудитория	Курснинг давомийлиги:	02.09.2018-20.06.2019
Индивидуал график асосида ишлаш вақти:	сешанба ва жума кунлари 15.00 дан 17.00 гача		
Фанга ажратилган Соатлар	Аудитория соатлари		
	Маъруза:	54	Амалиёт 72
Мустақил таълим:	84		
Фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги :	“Иқтисод назарияси”, “Менежмент”, “Макроиқтисодиёт”, “Корхона иқтисодиёти”, “Статистика”, “Молиявий ва бошқарув ҳисоби”, “Иқтисодий таҳлил ва аудит”, “АСМ иқтисодиёти”, “Пул, кредит ва банклар”, “Бизнес режа”.		
Фаннинг мазмуни			
Фаннинг долзарблиги ва қисқача мазмуни:	<p><b>Фанни ўқитишдан мақсад</b> – талабаларда “Инновацион иқтисодиёт” фанининг предмети, усуллари, корхонада бошқарув тизимини ташкил этишни ўрганиш орқали касбий билимлар ва зарурий ўқув малакасини шакллантиришдир.</p> <p><b>Фаннинг вазифаси</b> – талабаларда: “Инновацион иқтисодиёт” фанининг предмети ва методи, унинг аҳамияти ва роли ҳақида чуқур билимга ва тасаввурга эга бўлиш; фаннинг назарий, услубий ва амалий масалаларини ҳар тарафлама ўрганиш; фанни шаклланишида асосий роль ўйнаган омиллар, етакчи олимларнинг инновацион бошқарув назариясига қўшган хиссаси; бошқарув усуллари ва уларни амалда қўллаш механизми; “Инновацион иқтисодиёт” функцияларининг хусусиятлари; стратегик режалаштириш босқичлари; илмий ташкилотларнинг ташкилий тузилмаси ва уни стратегияни амалга оширишдаги аҳамияти; илмий ташкилотларда персонални бошқаришда мотивациянинг тугган ўрни ва аҳамияти; янги технологияларни яратиш, жорий этиш ва унинг сифатини бошқариш дастаклари ва усуллари; тадқиқот лойиҳасини бошқариш хусусиятлари; инновацион лойиҳаларни экспертиза қилиш омиллари ва методлари; инновациялар самарадорлигини баҳолаш ва уни аниқлаш мезонларини батафсил билиш; инновацион менежмент моҳиятини билиш бўйича кўникмалар</p>		

ҳосил қилишдан иборат.

**Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига кўйиладиган талаблар**

“Инновацион менежмент” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

-Талабаларни инновацион менежмент тўғрисида тушунчага эга бўлиши, инновацион менежментни шаклланиши ҳамда инновацион менежментнинг ташкилий тузилмаси элементлари, уларнинг ўзига хос хусусиятларини билиши;

-Ўзбекистонда инновацион менежментни шаклланиш босқичлари, етакчи олимларнинг инновацион бошқарув назариясига қўшган хиссаси, мактаблар яратган назариялар ва уларнинг хусусиятлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

- Инновацион стратегиянинг аҳамияти ва уни ишлаб чиқиш босқичлари, инновацион стратегияни танлаш усуллари ва стратегияга таъсир этувчи омиллар гуруҳини фарқлай олиши;

-Тадқиқот лойиҳаси аҳамияти, инновацион лойиҳаларни шаклланиш босқичлари, илмий-тадқиқот ва ишланмаларнинг устувор йўналишларини ёрита олиши;

-Илмий ташкилотлар персонали, унда мотивациянинг аҳамияти, мотивацияни ташкил этиш хусусиятларини таҳлил этиш асосида ходимларни режалаштириш, илмий ташкилотларда оптимал иш режимини танлаш, илмий жамоаларда мақсадли гуруҳлар ва унинг вазифаларини баён эта олиши;

- Маҳсулотни ҳаётий цикли босқичларида ишларни ташкил этиш ва бошқариш, инновацион-маҳсулот сифатини оширишда функционал қиймат таҳлилининг тутган ўрни ҳамда янги технологияларни ишлаб чиқаришга тайёрлаш жараёнини бошқариш ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

- Ишлаб чиқариш технологияси тушунчаси ва унинг тавсифланиши, ишлаб чиқариш технологияларини бошқарув объекти сифатидаги ўрни, моддий ва энергетик маҳсулот ишлаб чиқариш технологиялари, уларни такомиллаштириш жараёнини ёрита олиши;

- Инновацион лойиҳалар портфели таркиби, инновацияга бўлган талаб таҳлилининг вазифалари, талабга таъсир этувчи омиллар гуруҳи, янги маҳсулотга бўлган талабнинг кўринишлари ҳамда талабни таҳлил этиш усуллари маълумотлар асосида ри ва усуллари фарқлаши;

- Инновацион лойиҳалар портфели таркиби, инновацияга бўлган талаб таҳлилининг вазифалари, талабга таъсир этувчи омиллар гуруҳи, янги маҳсулотга бўлган талабнинг кўринишлари ҳамда талабни таҳлил этиш усуллари фарқлай олиши;

- Инновацион лойиҳаларни экспертиза қилиш объекти ва субъектлари, экспертизанинг асосий усуллари ва вазифалари, инновацион лойиҳаларни танлаш усуллари ҳамда инновацион лойиҳа самарадорлиги кўрсаткичларини ёрита олиши;

-Амалиётда инновациялардан фойдаланиш самарадорлиги, инновациянинг умумиктисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, инновациялар самарадорлигини баҳолаш жараёни, интеграл самарадорлик ҳамда самарадорликнинг нормасини билиши керак.

<p><b>Талабалар учун талаблар</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ ўқитувчига ва гуруҳдошларга нисбатан хурмат билан муносабатда бўлиш;</li> <li>✓ университет ички тартиб - интизом қоидаларига риоя қилиш;</li> <li>✓ уяли телефонни дарс давомида ўчириш;</li> <li>✓ берилган уй вазифаси ва мустақил иш топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;</li> <li>✓ кўчирмачилик (плагиат) қатъиян ман этилади;</li> <li>✓ дарсларга қатнашиш мажбурий ҳисобланади, дарс қолдирилган ҳолатда қолдирилган дарслар қайта ўзлаштирилиши шарт;</li> <li>✓ дарсларга олдиндан тайёрланиб келиш ва фаол иштирок этиш;</li> <li>✓ талаба ўқитувчидан сўнг, дарс хонасига - машғулотга киритилмайди;</li> <li>✓ талаба рейтинг баллидан норози бўлса эълон қилинган вақтдан бошлаб 1 кун мобайнида апелляция комиссиясига мурожат қилиши мумкин</li> </ul>
<p><b>Электрон почта орқали муносабатлар тартиби</b></p>	<p>Профессор-ўқитувчи ва талаба ўртасидаги алоқа электрон почта орқали ҳам амалга оширилиши мумкин, <b>телефон орқали баҳо масаласи муҳокама қилинмайди, баҳолаш фақатгина университет ҳудудида, ажратилган хоналарда</b> ва дарс давомида амалга оширилади. Электрон почтани очиш вақти соат 15.00 дан 20.00 гача</p>

**Фандан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулот турларига ажратилган соатларнинг тақсимооти**

Т/р	Фаннинг бўлими ва мавзуси, маъруза мазмуни	Соатлар			
		Жами	Маъруза	Амалий машғулот	ТМИ
1	Инновация ва инновацион менежментнинг ташкилий тузилмаси.	8	2	4	2
2	Инновацион стратегияни танлаш.	6	2	2	2
3	Тадқиқот лойиҳасини бошқариш.	8	2	4	4
4	Илмий ташкилотларда персонал бошқаруви.	10	2	4	4
5	Янги технологияларни яратиш, жорий этиш ва унинг сифатини бошқариш.	10	2	4	4
6	Илғор ишлаб чиқариш технологиялари.	8	2	4	2
7	Илмий-техникавий маҳсулотга бўлган талабни таҳлили.	10	2	4	4
8	Инновацион лойиҳалар экспертизаси.	6	2	2	2
9	Инновациялар самарадорлигини баҳолаш.	10	2	4	4
10	Инновацион фаолият самарадорлиги.	6	2	2	2
	<b>Жами</b>	<b>210</b>	<b>54</b>	<b>72</b>	<b>84</b>

## МАВЗУЛАР ВА КЎРИЛАДИГАН АСОСИЙ МАСАЛАЛАР

№	МАВЗУ	КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР	Информацион - услубий таъминот
1	2	3	4
1.	<b>Кириш. Инновация ва инновацион менежментнинг ташкилий тузилмаси.</b>	Инновацион менежментнинг асосий тушунчаларини ёритиш ва моҳиятини очиш фаннинг асосий вазифаси ҳисобланади. Инновациянинг туркумланиши, инновацион менежментнинг ташкилий тузилмаси, Н.Д.Кондратьевнинг инновацион кузатуви ва унинг назариясининг моҳияти, илмий ташкилотлар фаолиятни ташкил этиш жараёни ва унинг ўзига хослиги ёритилади.	[А6, 6-35; А5, 11-28; А7,10-17]
2.	<b>Инновацион стратегияни танлаш</b>	Инновацион стратегиянинг аҳамияти ва уни ишлаб чиқиш босқичлари, инновацион стратегияни танлаш усуллари ва стратегияга таъсир этувчи омиллар гуруҳи, стратегик режалаштириш босқичлари ва унда амалга ошириладиган тадбирлар таҳлил этилади.	[А6, 74-92; А7,18-24]
3.	<b>Тадқиқот лойиҳасини бошқариш</b>	Тадқиқот лойиҳаси аҳамияти, инновацион лойиҳаларни шаклланиш босқичлари, илмий-тадқиқот ва ишланмаларнинг устувор йўналишларини танлаш, илмий лойиҳалар ва уларнинг хусусиятлари, лойиҳани расмийлаштирилиши ҳамда уни молиялаштириш жараёни ёритилади	[А6, 93-108; А7,25-29]
4.	<b>Илмий ташкилотларда персонал бошқаруви</b>	Илмий ташкилотлар персонали, унда мотивациянинг аҳамияти, мотивацияни ташкил этиш хусусиятларини таҳлил этиш асосида ходимларни режалаштириш, илмий ташкилотларда оптимал иш режимини танлаш, илмий жамоаларда мақсадли гуруҳлар ва унинг вазифалари умумлаштирилади.	[А6, 115-139; А7,30-39]
5.	<b>Янги технологияларни яратиш, жорий этиш ва унинг сифатини бошқариш</b>	Маҳсулотни ҳаётий цикли босқичларида ишларни ташкил этиш ва бошқариш, инновацион-маҳсулот сифатини оширишда функционал қиймат таҳлилининг тутган ўрни ҳамда янги технологияларни ишлаб чиқаришга тайёрлаш жараёнини бошқариш таҳлил этилиб, ёритилади.	[А6, 142-178; А7,40-48]
6.	<b>Илғор ишлаб чиқариш технологиялари</b>	Ишлаб чиқариш технологияси тушунчаси ва унинг тавсифланиши, ишлаб чиқариш технологияларини бошқарув объекти сифатидаги ўрни, моддий ва энергетик маҳсулот ишлаб чиқариш технологиялари, уларни такомиллаштириш жараёни таҳлил	[А6, 179-210; А7,49-55]

		этиш кўзда тутилган.	
7.	<b>Илмий-техникавий маҳсулотга бўлган талабни таҳлили</b>	Инновацион лойиҳалар портфели таркиби, инновацияга бўлган талаб таҳлилининг вазифалари, талабга таъсир этувчи омиллар гуруҳи, янги маҳсулотга бўлган талабнинг кўринишлари ҳамда талабни таҳлил этиш усуллари маълумотлар асосида умумлаштирилади.	[А6, 212-248; А7,56-68]
8.	<b>Инновацион лойиҳалар экспертизаси</b>	Инновацион лойиҳаларни экспертиза қилиш объекти ва субъектлари, экспертизанинг асосий усуллари ва вазифалари, инновацион лойиҳаларни танлаш усуллари ҳамда инновацион лойиҳа самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлил этилади ва баҳоланади.	[А6, 250-271; А7,69-77]
9.	<b>Инновациялар самарадорлигини баҳолаш</b>	Амалиётда инновациялардан фойдаланиш самарадорлиги, инновациянинг умум иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, инновациялар самарадорлигини баҳолаш жараёни, интеграл самарадорлик ҳамда самарадорликнинг нормаси маълумотлар асосида ёритилади.	[А6, 273-282; А7,78-82]
10	<b>Инновацион фаолият самарадорлиги</b>	Инновацион фаолият натижалари, жaxon технологиялар бозорига кириш йўллари, инновацион фаолиятга сарфланаётган харажатлар самарадорлиги, технологияларга таъсир этувчи омиллар гуруҳи, инновацион фаолият самарадорлигини ошириш омиллари таҳлил этиб баҳоланади.	[А6, 283-314; А7,83-93]

**ТАЛАБА МУСТАҚИЛ ИШИ МАЗМУНИ**  
**Мустақил таълимнинг мазмуни ва ҳажми (Ҳисоб график ишлари)**

№	Мавзулар ва топшириқлар мазмуни	Ажратилган вақт (соат)	Информацион - услубий таъминот	Бажарилиш муддати
1	“Инновациянинг инсон ва жамият ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти” мавзусида тезис тайёрлаш. “Инновацион иқтисодий ўсиш омиллари” мавзусида маълумот тайёрлаш. “Илмий ташкилотларда персоналдан самарали фойдаланиш” мавзусида маълумот тайёрлаш. Ўзбекистонда инновацион фаолиятнинг шаклланиш босқичлари ҳақида ижодий иш тайёрлаш	6	[А6, 6-35; А5, 11-28; А7,10-17]	4-хафта
2	“Технологиялар бозорига кириш йўллари” бўйича маълумот тўплаш ва у ҳақида ижодий иш тайёрлаш.Илмий-тадқиқот ишлари нинг устувор йўналишлари ва соҳаларини аниқлаш (Сирдарё вилояти мисолида). Навоий маҳсус	8	[А6, 93-108; А7,25-29] [А6, 142-178; А7,40-48]	4-хафта

	индустриал эркин иқтисодий зонаси ҳақида ижодий иш тайёрлаш. Илмий ташкилотларда иш ҳақининг функциялари ва уни ошириш омиллари			
3	Меҳнат унумдорлигини оширишнинг захираларини излаш бўйича маълумот тўплаш Инновацион лойиҳалар тайёрлаш жараёни. Ангрен махсус индустриал эркин иқтисодий зонаси ҳақида ижодий иш тайёрлаш. Технопарклар ва технополислар, илмий - ишлаб чиқариш марказлари.	8	[А6, 179-210; А7,49-55] [А6, 250-271; А7,69-77]	4-хафта
4	Ўзбекистонда “билимлар” иқтисодиётини шаклланиши бўйича маълумот тўплаш. Кичик инновацион бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиш бўйича маълумот тўплаш ва у ҳақида мустақил иш тайёрлаш. Рақобатбардошлик ва уни ошириш омилларини таҳлил этиш. Инновацион лойиҳаларни экспертиза қилиш жараёни бўйича маълумот тўплаш. Ишлаб чиқариш технологиялари ва уларнинг самарадорлигини ошириш мавзусида маълумот тайёрлаш.	8	[А6, 273-282; А7,78-82] [А6, 283-314; А7,83-93]	5-хафта
	<b>Жами</b>	<b>84</b>		

**Эслатма:** Мустақил иш топшириқлари тегишли мавзулар бўйича ўқув- методик мажмуа охирида келтирилмоқда

### “Инновацион менежмент” курсидан рейтинг ишланмаси

#### Рейтинг баҳолаш тизими 1. Рейтинг назорати жадвали

Назорат тури	Рейтинг баҳолашлар			Жами	Саралаш бали
	1	2	3		
ЖН ( 40 %) шу жумладан	7	15	18	40	22
ОН (30 б.)		14	16	30	16,5
ЯН (30 б.)	-	-	30	30	16,5
<b>Жами:</b>	<b>7</b>	<b>29</b>	<b>64</b>	<b>100</b>	<b>55</b>

#### ТАЛАБАНИНГ АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ ДАРАЖАСИ ҚУЙИДАГИ МЕЗОН АСОСИДА АНИҚЛАНАДИ

Баҳолаш кўрсаткичи	Баҳолаш мезонлари	рейтинг бали
Аъло, 86-100%	Етарли назарий билимга эга, статистик маълумотларни таҳлил эта олган ҳамда баҳолаган. Топшириқларни мустақил бажарган. Берилган саволларга тўлиқ жавоб беради. Саволнинг моҳиятига тўлиқ тушунади. Аудиторияда фаол. Ўқув тартиб интизомига тўлиқ риоя қилади. Топшириқларни намунали расмийлаштирган.	4
Яхши, 71-85%	Етарли назарий билимга эга. Топшириқларни бажарган. Берилган саволларга етарли жавоб беради. Масаланинг моҳиятини очиб беради. Ўқув тартиб интизомига тўлиқ риоя қилади.	3
Қониқарл и, 55-70%	Топшириқларни ечишга ҳаракат қилади. Берилган саволларга жавоб беришга ҳаракат қилади. Саволнинг моҳиятини чала тушунган. Ўқув тартиб интизомига риоя қилади.	2

Қоникарс из 0-54%	Талаба амалий машғулот дарси мавзусига назарий тайёрланиб келмаса, мавзу бўйича масала, мисол ва саволларига жавоб бера олмаса, дарсга суҳт қатнашса билим даражаси қоникарсиз баҳоланади	1
----------------------	---	---

### ОНни баҳолаш

Оралиқ назорат “Инновацион иқтисодиёт” фанининг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлими бўйича, тегишли амалий машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг ёзма равишда амалга оширилади. Бундан мақсад талабаларнинг тегишли саволларни билиши ёки муаммоларни ечиш кўникмалари ва малакалари аниқланади. Ўқув йилининг 1-семестрида 2-та ОН ўтказиш режалаштирилган бўлиб 14 балдан иборат. ОН назорат ишлари ёзма иш ва тест усулида ўтказилиши назарда тутилган, ёзма иш ва тест саволлари ишчи ўқув дастур асосида тайёрланади. ОН га ажратилган балдан 55% дан паст балл тўплаган талаба ўзлаштирмаган ҳисобланади. ОН ни ўзлаштирмаган талабаларга қайта топшириш имконияти берилди. ОН бўйича олиндиган тестлар кафедра мудири раҳбарлигида ташкил этилади ва кафедрада ўқув йилининг охиригача сақланади.

### ЯНни баҳолаш

Яқуний назорат “Инновацион иқтисодиёт” фанининг барча мавзуларини қамраб олган амалий машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг ёзма равишда амалга оширилади. Бундан мақсад талабаларнинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари, яъни билим даражаси ёки муаммоларни ечиш кўникмалари ва малакалари аниқланади. ЯН назорат ишлари ёзма усулида ҳам ўтказилиши назарда тутилган, ёзма иш саволлари ишчи ўқув дастури асосида тайёрланади. ОН ва ЖНларга ажратилган балдан 55% дан паст балл тўплаган талаба ўзлаштирмаган ҳисобланади ва ЯНга киритилмайди. ЯНни ўзлаштирмаган талабаларга қайта топшириш имконияти берилди. ЯН бўйича олиндиган ёзма иш вариантлари кафедра мудири раҳбарлигида тузилади ва деканатларга топширилади.

### Тест усулида ЯН ни баҳолаш мезонлари:

ЯН баҳолаш тест синови ёки ёзма шаклларда ўтказилади. Бунда талабалар 30 та тест саволига жавоб берадилар (тест саволининг ҳар бири 1 баллик тизимида баҳоланади) ёки ёзма ишда белгиланган 3 та саволга жавоб ёзади. Агар талаба ЯН да 16,5 балл кам тўпласа, у ҳолда талаба қайта ЯН топширади.

## ИНФОРМАЦИОН-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТ

### АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

№	Муаллиф, адабиёт номи, тури, нашриёт, йили, ҳажми	Кутубхонада мавжуд нусхаси
1.	Каримов И.А. «Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, уни Ўзбекистон шароитида бартараф этиш йўллари ва чоралари»-Т.: Ўзбекистон. 2008.	35
2.	Каримов И.А. Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли-Т.:Ўзбекистон. 1993.	55
3.	Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари-Т.: Ўзбекистон. 1993.	35
4.	Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида-Т.: Ўзбекистон. 1995.	40
5.	Фатхутдинов Р.Я. Инновационный менеджмент – М: ЮНИТИ. 2000	5
6.	Ильенкова С.Д. Инновационный менеджмент-М: ЮНИТИ. 1999.	5
7.	Сатторкулов О.Т. Раҳматов К. Инновацион менежмент. ЎУМ. ГулДУ. 2012.	10

### ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР

№	Муаллиф, адабиёт номи, тури, нашриёт, йили, ҳажми	Кутуб-хонада мавжуд нусхаси
1.	Мескон М.Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента.- М.: Дело. 2000.	4
2.	Герчикова И.Н. Менеджмент.-М.: ЮНИТИ. 2001.	5
3.	Фуломов С.С. Менежмент асослари-Т.: Молия. 1998.	20

Кутубхона мудираси имзоси  
ва муҳри

### ТАВСИЯ ҚИЛИНАДИГАН ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР ВА АХБОРОТ МАНБАЛАРИ

№	Муаллиф, номи, тури, йили, ҳажми, сақланиш жойи, электрон адреси	
1.	Зайнутдинов Ш.З. Менежмент асослари-Т.: Молия. 2001.	
2.	Уткин Э. Курс менеджмента-М.: Зеркало. 2000.	

### ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ:

[www.gov.uz](http://www.gov.uz) — Официальный сайт Правительства Республики Узбекистан  
[www.mfer.uz](http://www.mfer.uz). — сайт Министерства внешних экономических связей, инвестиций и торговли Республики Узбекистан  
[www.edu.uz](http://www.edu.uz). – сайт Министерства Высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан  
[www.mgimo.ru](http://www.mgimo.ru) – сайт МГИМО  
[www.tseu.uz](http://www.tseu.uz) – сайт ТГЭУ  
[www.cer.uz](http://www.cer.uz) — сайт Центра экономических исследований  
[www.review.uz](http://www.review.uz) — сайт журнала “Экономическое обозрение”  
[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)  
[www.gduportal.uz](http://www.gduportal.uz)

Фаннинг силлабуси “Иқтисодиёт” кафедраси умумий йиғилишида  
2018 йил \_\_\_\_\_08\_\_\_\_\_ \_1\_ -сон қарори билан тасдиқлаш учун  
Факультет УМК сига тавсия этилади.

**Кафедра мудир:** \_\_\_\_\_ **О.Сатторқулов.**

\*Изоҳ. Фан силлабуси Факультет УМК си томонидан Университет УМК сига тавсия қилинади. Университет УМКсида кўриб чиқилгандан кейин Илмий кенгаш қарори билан тасдиқланади.